



БАЙРАМИМИЗ КҮТЛҮФ БЎЛСИН, ДЎСТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 226 (6.147) 1986 йил 6 ноябрь, пайшанба Баҳоси 3 тийиб



ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, УЛУҒ ОКТЯБРЬ!

Октябрь—менинг тақдиримда

УЙҒУН,

Ўзбекистон ССР халқ шoirи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ШУКРОНА

Ишчи ақли айниқса самимий бўлади. Ҳақиқат қўшилаётган ёшни ҳамиша зўр қувонч билан кутиб олади. Унинг уялиб-негишига йўл қўймайди. Дарҳол ўртада савол-жавоб бошланади. Қисқа танишувлардан сўнг янги ҳамкасбга иш жойи кўрсатилади. Меҳнатда суяги қотган бирон киши уни ўз оталиғига олади. Устозлик қилади.

Меҳнатининг қадрлиниши балки шундан бўлса ҳам ажаб эмас. Бир неча медаллар ва фахрий ёрлиқларни олишга муяссар бўлдим. Ўтган йиллар мен учун чинакам улғайиш йиллари бўлди. Одий ишчиликдан мастерлик даражасига кўтарилдим.

Ишон ҳамиша олға интилади. Ҳаётимдаги ҳар бир қувончли воқеа менда катта масъулият ҳиссини уйғотади. Шунга яраша меҳнат қилишга интиламан. Ойлаимиз чинакам бахтли оила. Фарзандларимиз ақил, ота-онага меҳрибон. Дастурхонимиз тўкин-сочин. Турмушимиз фойдали. Бу ҳаммаси Октябрь берган бахт тўғриси. Ҳар гал ишдан уйга қайганимда қалбимда қандайдир қониниш ва мамундият ҳисси пайдо бўлади. Бу замонага бўлган шукроналик туйғуви. Фаровонлик белгиси, Октябрь билан тугилган туйғу.

Т. ЗОИРОВ,

Октябрь революцияси қоманди Тошкент тепповоз ремонт заводининг ветеран ишчиси, коммунистик меҳнат қарбдори.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бу — энг аввало зулм тахталарини парчинлаб ташлаган, маънавласи бутун рўйи заминни ёритган, истиқболимизга ҳам энг таратаётган тарихий воқеадир. Бизнинг авлод шу улуғ революциянинг шамолларини симириб, Ленин йилларини дилга жо этиб камол топди. Бошқа авлодлар ҳам, бундан кейин келадиган насллар ҳам унинг ҳаётбахш ғояларини жон-дилга пайванд қилиб, социалистик жамият тараққиёти, мустақамлиги, одамларнинг ҳам маънавий, ҳам моддий фаровонлигини оширишга бу ғоялардан қуч-қудрат олажак. Тарих олдида ўтган салкам етмиш йил машъала қаршидаги мисли шамдек гап. Бироқ бизнинг мамлака, тимиз учун, қолаверса республикамиза учун бу муддат асрлар ҳал қилолмаган оламшумул масалаларни амалда кўрсатиб берди. Ўзбекистонимиз бошқа қарлош республикаларнинг бузилмас оиласида камол топди, қад ростлади ва мана бугунги кунда кўксиди тоғдай хирмонлар, бўйбастини намойиш қилиб турибди.

Революция менига нима берди? Революция менинг тақдиримда қандай роль ўйнади? Бу саволлар сал эскиргандай туюлса-да, бироқ уларнинг моҳияти ўша-ўша. Мен, Ҳалқим, бекиёс мамлакатим учун ҳамма нарса Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисида қўлга киритилди. Бизга илгарилари бир кишининг савод чиқариши катта воқеа бўлиб туюларди. Ҳозирги кунда ҳамма саводхон, етти ухлаб тушимизга кирмаган, биз тушунмаган компьютерлар болаларимизга, невараларимизга ўйинчоқдай гап. Улар ҳамма нарсани тушунади, ҳамма нарсасга ақллари етади.

Революция бугун ҳам давом этмоқда. Ишчиларимизнинг онгиди, маънавиятда, кўнгилларда, бутун мамлакат меҳнатқашлари амалга ошираётган эзгу ишларда, қайта қўришнинг жонбахш натижаларида давом этапти бу революция. Тўғри, янги ўтмишда республикамиз ҳаётида рўй берган салбий ҳодисалар ҳаммаимизни ҳижолатда қолдирди. Бироқ биз қараб ўтирмадик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида тараққиётимизга халал бераётган иллатлар фойш қилинди. Қўзғолмачилар, порахўрлар, техникўрларнинг авра-астари очиб ташланди. Бугунги куннинг вазифаларини ҳам шу. Ҳар соҳада, ҳар бир ишда софлик ва ҳалоллигини қарор топтириш, ҳалол меҳнат қилиб ҳалол кун кечириндан иборатдир. Бугунги кунда бизнинг бефарқ бўлишимизга ҳақимиз йўқ. Чунки шу жамият бизники экан, тинчликпарвар шу сўбат бизники экан биз қандайд қараб турмаслигимиз керак. Дунё халқларининг тилағи ҳам шу: Тинчлик. Бас шундай экан биз ҳам Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисида эришганимиз — ошуда замонамиз, фаровон ҳаётимиз учун жон чекмоғимиз, ҳеч бўлмаса эзгу ниётларимиз билан Ер юзиди тинчликни сақлаб қолишга мададкор бўлмоғимиз зарур. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшашимиз, жамиятимиз пайдорлигини мустақамлашимиз керак.

Коммунистик шанбаликлар маблағи ҳисобига

Сергелиликларга тухфа

Бугун

17-кварталда райондаги биринчи стационар даволаш муассасаси — 10-туғруқхона фойдаланишга топширилади.

Киевлик архитекторлар сергелиликлар учун замонавий бино лойиҳасини тайёрлаб берди. Уч қаватли «Г-симон» бино энг янги медицина анжомлари билан жиҳозланган. Бу ерда оналар ва чақалоқлар учун барча зарур нарсалар бор.


— Туғруқхона коммунистик шанбаликлардан тугшган маблағ ҳисобига қурилди, — дейди район соғлиқни сақлаш бўлими мудири С. В. Алимов.

Дарҳақиқат, бош пудратчи «Главташкентстрой» 3-трестининг 5-қурилиш бошқармаси ишчиларига ёрдам қў-

сатиш учун объектга райондаги барча даволаш муассасаларининг ҳодимлари келишиди. Булар — 37-поликлиника, 13-шаҳар касалхонаси, 17-болалар поликлиникасининг врачлари ва ҳамшираларидир. Улар ВАЗликлар ташаббусига амалий иш билан жавоб бериб, туғруқхона қурилишига муносиб ҳисса қўшилар.

Эндиликда эски туғруқхона болалар касалхонасига айлантирилади. «Главташкентстрой» 3-трестининг 5-қурилиш бошқармаси бинокорлари туғруқхона яқинида бир кунда 850 кишини қабул қилувчи олти қаватли поликлиника биносини қурилишини ниҳосига етказишяпти. Уни шу йилнинг тўртинчи кварталда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

М. МУРОДОВ, В. ЭНКЕР.



1. Октябрь қуёши

Дунёда неча асрлар ўтар, дарёлар мангу оқаверади, шаҳарлар келажак навқирон наслларнинг тарқиман ҳолига буюк тарихий воқеаларнинг буюк саналарини битар, ҳаёт ҳам абадул-абад давом этар... Бу абадиятнинг бутун борлиги буюк қуёш нурлари билан, мангу эиелари билан ардоқлангандир. Бу қуёшнинг заррин эиелари ўчмасдир. Чунки, бу қуёш Лениннинг кўнглидан, зукко нигоҳидан миллионлар қалбига шуъаллар таратгандир. Бугунги порлоқ ҳаётимизнинг ипак нурлари ҳам айнан шу қуёш нурлари ила пайванддир. Шунинг учун биз зулм санжирларини парчинлаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширган қаҳрамонлар номини мангу хотираймиз. Улар хотираси олдида абадий таъзимдамиз. Зеро, улуғ иш учун қурбон бўлганлар хотирасининг ҳам буюк тарбиявий аҳамияти бордир. Комиссарлар нигоҳидаги, ўтюррак революционерлар манглайдаги нурлар бизнинг кўнглимизни ҳам мангу ёритажак...

Музей фондида фақатгина эски ҳужжатларгина эмас, балки ҳозирги кунда ишлаб чиқариб бйрлашмалари, завод ва фабрикалар, илмий-техшириш институтларининг қўлга киритаётган ютуқлари хикоя қилувчи мате-



Рассом М. Аъламов чизган плакат.

Миннатдорчилик рамзи

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали шахримиз сийёси ва маданий воқеаларининг кўзгуси. Бу муқаддас даргоҳ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 69 йиллиги кезларда эиёратчилар билан, айниқса, газвум.

Ҳаммаимизга маълумки, музей 1970 йили В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан очилган. Мана шу давр ичда музей фонди килма-хил, диққатга сазовор бўлган экспонатларга бойиқ бормоқда. Музей залларини томоша қилар эканмиз, ундаги ҳар бир ҳужжат, суратлар доҳийнинг номи ва бағти билан чамбарчас бағти эканлигининг шоҳиди бўламиз.

Музей фондида фақатгина эски ҳужжатларгина эмас, балки ҳозирги кунда ишлаб чиқариб бйрлашмалари, завод ва фабрикалар, илмий-техшириш институтларининг қўлга киритаётган ютуқлари хикоя қилувчи мате-

риаллар ҳам мужассамланган. Бундан ташқари фонднинг аччагина қисмини чет элдан келган меҳмонлар ва иттифоқимиз меҳнатқашларининг музейга тақдим этган совғалари ташкил этади. «Меҳнатқашлар, меҳмонлар ва делегатлардан В. И. Ленин музейига совғалар» кўрғазмасига қўйилган экспонатларда халқимизнинг улуғ инсомига бўлган муҳаббатларининг самимийлиги ифодасини кўрамиз. Бу кўрғазмада намойиш этилган совғалар фонднинг бир қисминини ташкил этади, холос.

Музейимиз фонддан шу кунларда яна бир неча ноёб экспонатлар фахрид ўрин эгаллади. Тошкентлик пенсионер Н. С. Гаврилова музейга В. И. Лениннинг қўйилган қўйилган ҳайкалининг совга қилди. Бу ҳайкал 1923 йилда В. И. Ленин ҳаётлигини илган дастлабки ҳайкаллардандир. Устинов шахридан келган бир группа туристлар музей-

имизини эиёрат қилдилар.

Улардан бири Алевтина Ивановна Васева заллардаги ҳар бир экспонат эиёртириб қилиб кўрсатилганлигининг гувоҳи бўлди. Бу аёл ўзи учун қимматли бўлган, марҳум турмуш ўртоғи, Удмуртiston АССР халқ рассоми Монард Михайлович Васев илган юбилей медалини тақдим этиш ниятини изҳор қилди. Яқиндагина Ивановнининг совғасини олиб жуда қувонди. Бу юбилей медали В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб илган бўлиб, музейимиз тарихи учун ноёб экспонатлардан ҳисобланади.

Умуман, музейимиз фонддан жой олган меҳнатқашларнинг совғалари уларнинг буюк инсомига бўлган ҳексиз миннатдорчиликларни рамзи-

О. ЭПОНХОНОВА, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали ходими.

Пахтакорга мададқормиз

ҲИММАТ

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасидан берган 125 ҳашарчи ҳозир Тошкент олабаста Беюбод районининг «Ленинград» совхози даладариди пахта терпти. Уларга совхознинг Эригин Етмишев бошлиқ бригадасиди пахтазорлар бириктириб қўйилган. Бу бригада коллективни 65 гектар майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил қўта-

ришга аҳд қилиб, меҳнат қилмоқда. Бригадининг йиллик плани ҳозир 80 процентдан ортиб кетди. Электр транспортчилар ҳар кунни хирмонга 2,5—3 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкишмоқда. Ҳашарчилар ўртасиди мусобада Н. Дадажонов, А. Жуматов, Б. Ҳамидонов, А. Раҳматуллаев, Қ. Ҳайдаров кабинет пешқадамлик қилишяпти.

Улар 95—100 килограммга етказиб «оқ олтин» те-ришяпти.

Совхоз маъмурияти ҳашарчиларининг умумий меҳнат қилиши ва дам оlishи учун барча шароитларни яратиб берган. Ҳашарчилар фойлияти «Чақмоқ» ва «Комсомол» проекторлари деворий газеталарида еририлиб турирди.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Ў.О.Қ.ОЛТИН — ПАХТА			
Республика олабастлариди пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида шу йил 5 ноябрга бўлган	МАЪЛУМОТ		
(Планига нисбатан процент ҳисобиди)			
Биринчи устуи — олабастлар; иккинчи устуи — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устуи — мавсум бошидан буйн.			
ФАРФОНА	0,59	102,26	
ТОШКЕНТ	0,54	101,87	
Сурхондарё	0,89	93,47	
Наманган	1,00	92,76	
Сырдарё	0,75	90,54	
ҚАССР	0,81	87,18	
Хоразм	0,58	81,71	
Андижон	0,99	78,60	
Жиззах	0,79	74,53	
Бухоро	0,30	72,92	
Самарқанд	0,71	71,80	
Навоий	0,52	58,21	
Қашқадарё	0,56	55,51	
Республика буйнча:	0,70	82,26	

НУРАФШОН ЙЎЛ ДАНИ

2. Октябрь куёши

Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида туб ўзгариш ясади. У халқларга озодлик, тинчлик ва бахт-саодат келтирди.

Мана орадан қарийб 69 йил вақт ўтди. Мамлакатимиз ички ҳаётида ва халқро миқёсда улкан ўзгаришлар рўй берди. Германия фашизми ва Япония милитаризми ичиб ташланди. Ғолиб совет халқи Улуғ Ватан урушидан сўнг тинч тараққиёт йўлига кирди. Ана шу давр мобайнида мамлакат миллий даромади 170 мартабага кўпайиб, ҳозирги кунда уч триллион сўмини ташкил қилади. Бу эса СССР иқтисодий жиҳатдан дунёда энг ривожланган ва қудратли давлатга айланганлигидан далолат беради. Халқро миқёсда, ўзгаришлар шунинг кўрсаткичи, қатор Европа ва Осиё мамлакатларида социалистик давлатлар алуғда келиб, социализм жаҳон системасига айланди. Бу социализмнинг оламшумул тарихий ғалабаси эди. Мамлакатимиз экономикасида ва халқлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида рўй берган улкан тарихий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаб, 1977 йил 7 октябрда СССРнинг янги Конституциясини — ривожланган социалистик жамиятнинг Асосий қонуни қабул қилди. Амалдаги маъмур Конституция социалистик тузумини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унинг раънақ топанлигини ўз саҳифаларида қонуний расмийлаштирди.

Бизнинг Конституциясиз Ғарб демократиясига тубдан қарама-қарши равишда буюк социалистик инсонпарварликни, чинкам халқ демократиясини, ҳақиқий шахс эркинлигини, мамлакатда бутун ҳокимият социалистик ўз-ўзини бошқариш органи бўлган Советлар қўлида, бевосита халқ қўлида экинчилигини ўзда мужассамлаштирди.

СССР янги Конституциясининг 8-моддасида «Совет жамиятининг ҳар бир ва етакчи кучи, Совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамият ташкилотларининг ўзга Совет Иттифоқининг Коммунистик партияси. КПСС халқ учун ишайди ва халққа хизмат қилади», — деб зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

КПСС ишчилар синфининг илгор отряди сифатида алуғда келиб, ҳозир унинг сафида ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг энг илгор 19 миллион вакили бор. КПСС давлат ва жамоат ташкилотларига раҳбарликни жойларда меҳнат коллективларида ишловчи коммунистларга суянган ҳолда, уларнинг етакчилик ролини ошира бориш орқали амалда оширади.

Маълумки, Улуғ Октябрь туйғайли дунёга келган Совет социалистик давлати бутун жаҳон олдига пролетариат диктатураси давлати сифатида намойиш бўлган эди. Унинг муҳияти шунда эдики, жаҳон тарихида биринчи марта ишчилар мамлакатда сиёсий ҳокимиятини ўз қўлига олиб, эксплуататорлар — бир тўда техникурлардан иборат капиталистлар ва помещиклар устидан давлат ҳокимиятини амалда оширувчи ҳукмрон синфга айландилар. Шунинг билан бир қаторда В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «дирижёрнинг юмшоқ раҳбарлигига» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 200-бет) муҳтож янги миллионли деҳқонлар оmmasига нисбатан ишчилар синфи жуذا катта бунёдкорлик ва маданий-тарбиявий характердаги вазифаларни амалда ошира экан, уларни социалистик жамиятнинг онгли қурувчилари руҳида тарбиялаш мақсадини кўзда тутган эди. Пролетариат диктатураси давлати ўзининг бу тарихий вазифасини шараф билан бажарди. Ҳозирги босқичда совет жамияти социал-синфий асосларининг ўсиб бориши қўйилди билан характерланмоқда. Бундан 60 йиллар илгари ишчилар синфи мамлакат аҳолисини умумий сонига нисбатан 12,4 процентини ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, аҳолининг 80 миллиондан зиёд меҳнат аҳлини ўз ичига олган ҳолда, иш билан банд бўлган ходимларнинг учдан икки қисминини ташкил этди. Ҳозирги кунда ишчиларнинг қарийб 75 проценти олий, ўрта ва тўлиқ-си ўрта маълумотли, замонавий техникани эгаллаган мутахассислардир. Биринчи беш йиллик бошларида қарийб 80 проценти ташкил қилган деҳқонлар ўтган давр ичиде 62 процентга камайди. Шу давр ичиде зиёлиларнинг сон 4 баравардан зиёд ўсиб, ҳозир улар аҳолининг бешдан бир қисминини ташкил қилмоқда. Шаҳар аҳолиси тез кўпайиб, унинг салмоғи 18 процентдан 62 процентга етди. Буларнинг ҳаммаси жаҳонда энг буюк ва индустриал мамлакатга айлانган СССРнинг экономикаси ва маданий инқилоб қўрилган даражада тарққий этганини кўрсатади.

Мамлакат ҳаётида рўй берган ана шу тарихий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги босқичда пролетариат диктатураси давлати СССР янги Конституциясининг 1-моддасида қайд қилингандек, мамлакатдаги ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар, бар-

ча миллатлар ва элатлар меҳнаткашларининг прода ва маъфатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлати сифатида қарор топди.

Умумхалқ социалистик давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири — коммунизмининг моддий-техника базасини яратиш, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва уларни коммунистик муносабатларга айлантириш билан боғлиқ бўлган улкан ҳўжалик — ташкилотчилик функцияси бўлиб, у ўзини тобора яқинроқ жамоий қилмоқда. Бу борада давлатимиз жуذا катта ишларни амалда оширмоқда. Масалан, одам оёғи тегмаган олоқ тайгада 3000 километрлик Байнал-Амур магистрали қурилиш туйғайли бир неча давлатлар жумладан Англия, Италия ва Испания ерларига тенг келадиган территория ўзлаштириб олоб қилинди. Марказий Россиянинг тахминан Франция территориясига тенг келадиган Ноҳоратупроқ зонасидаги ерларни ўзлаштириш орқали эса самардорлиги юксак даражада бўлган қишлоқ ҳўжалик райони алуғда келтирилди. Ҳозирги кунда ҳаётдан бу каби ишчиларни қўллаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда 52 минг Советлар иш олиб бориюқда, ўз атрофида 2,3 миллионга яқин халқ депутатлари ва 30 миллион активларни жалб қилган ҳолда, улар ҳозирги кунда Советлар фаолиятида ишчилар ва хизматчиларнинг катта армияси халқ контроли ва бошқа оммавий ташкилотларнинг қудалик ҳаётда иштирок этаётганлигини эътиборга олсак, совет демократияси ўзининг еричи ифодасини топаётганлиги, меҳнаткашлар давлат ишларини бошқаришга, ҳўжалик ва социал-маданий қурилишга тобора нег жалб этилаётганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз, амалда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши ўрнатилганлигининг шўҳиди бўла-

Мамлакатимизда 52 минг Советлар иш олиб бориюқда, ўз атрофида 2,3 миллионга яқин халқ депутатлари ва 30 миллион активларни жалб қилган ҳолда, улар ҳозирги кунда Советлар фаолиятида ишчилар ва хизматчиларнинг катта армияси халқ контроли ва бошқа оммавий ташкилотларнинг қудалик ҳаётда иштирок этаётганлигини эътиборга олсак, совет демократияси ўзининг еричи ифодасини топаётганлиги, меҳнаткашлар давлат ишларини бошқаришга, ҳўжалик ва социал-маданий қурилишга тобора нег жалб этилаётганлигига тўла ишонч ҳосил қиламиз, амалда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши ўрнатилганлигининг шўҳиди бўла-

Умумхалқ социалистик давлат инсониятни уруш сари силкиб боришга йўл қўймаслигини, узоқ муддатли тинчликни ҳимоя қилиш ва мустақамлашни ўзининг энг муҳим мақсади деб билади. Бизнинг қатъий йўлимиз шундай. Бу йўл Совет Иттифоқининг Конституциясида қонуни билан мустақамланган. Ана шунинг учун ҳам СССР ва иттифокдош республикаларнинг янги Конституциясига Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатида бағишланган махсус боб киритилган.


СССР Конституциясининг 28-моддасида урушни прошаганда қилиш қатъийан ман этилиши ва инсоният олдига энг оғир муҳтж жиноят деб ҳисобланиши таъкидланган. Бу эса Асосий қонунимизнинг чиндан ҳам гуманизм ғоялари билан суғорилганлигини, бутун жаҳонда тинчликни сақлаш совет давлатининг энг муҳтж вазифаси эканлигини яққол кўрсатди. Совет ҳокимияти ядро қуролларини портлатишни шу йил охирига қадар тўхтатишни амалда ошириб, олийжаоублик намуналарини кўрсатиб, ўзининг сулҳпарварлик сиёсатини бутун дунё олдига намойиш қилди.

Биз қайта қуриш — янги жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини янги иқтисодий, социал-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳамада кишилар онгини революцион ўзгариш тарихида янги амалда кўрсатди. Мамлакатимиз тарихида бу айтишга қарийб 60 йиллар илгари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида белгиланган социал-иқтисодий ривожлантиришчи жадаллаштириш бош стратегияси қонуни қабул қилингандан бошлади ва партиянинг XXVII съезди тарихий қарорларида ўз ифодасини топди.

Коммунистик партия кўп йиллар давомида мамлакат социал-иқтисодий ҳаётида турғулик рўй берганлиги, маъжуд нуқсонлар, камчилик ва хатолар ҳаспўшланб келинганини, салбий ҳодисаларга муроасизлик билан қаралганлиги, социалистик қонунчиликни жойларда қўпол равишда бузиладиганлиги ҳолларини, бунинг натижасида социалистик мулкни талон-тароқ қилиш, қўлиб ёзиш, қўбузьямачилик, порахўрлик, мансабни сунистеъволик қилиш, техникўрлик, ичкиликбозлик, беэорлик, иттизомсизлик ва шу каби социалистик тузумда доғ тушириб келган ижтимоий хавфли ҳаракатларга қарши кескин кураш олиб борилмаганлигини халққа рўй-рост айтиш ва бу борада актив позицияда туриб принципал курашни бошлаб юборди.

Партия ҳаётимизнинг барча соҳаларида қайта қуриш ва бу ишга кенг халқ оmmasини жалб этиб, юқорида айтилган салбий ҳодисаларни таг-томрига билан қўбориб ташлаш, ижтимоий-сиёсий муҳитни тозалаш борасида бошланган улкан ишларни шўҳасиз ижобий натижага беради, СССР Конституциясида мужассамлаштирилган социалистик тузум асосларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

О. ЭШОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.



Ўтмишда қой ютган, меҳнат фақат «жафо» сўзи билан изоҳланадиган кунлар бугунги кунда тарих. Бугунги кун. Энг аввало Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қардошлик олдасида оламшумул иқтисодий муваффақиятларга эришгани, жамиятимиз ривож, кишиларимизнинг бахт-саодатини таъминлаб беришининг ўзи асрлар бўйи дoston қилиб қуйласа арзирли буюклидир. Биз бугун ҳар соҳада, ҳар бир иш жойида ҳалоллик ва фақат ҳалолликка таяниб, ҳалол кун кечириб учун курашяймиз. Заводларда тер тўкиямиз, металл эритяймиз. Каналлар қуриямиз, улар, шаҳарларни бунёд қилаймиз. Мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсати энг аввало бизнинг кўнгилмиздаги тилғимиз, эзгу орауимиздир. Шунинг учун оsoйишта осмон остида меҳнат қилиш, эл-юртга, одамларга қувончлар яратиш биз учун одат тусига кирган. Қайта қуриш йўлида олиб борилаётган бугунги кураш ҳам 1917 йилги революциянинг маънавий давомидир. Шунинг учун бу бизнинг ягона йўлимиз, эзгуликка, тинчликка, фаровонликка элтадиган ягона йўлдир. Бу йўлда Ер озининг бутун эзгу иниятли инсонлари қўшилиб бориюқдалар. Бу йўлда қилпраётган ол байроқларнинг ҳам нияти шудир.

У й тўйи

Жуковский микрорайониде кетма-кет ҳар бири 90 квартирали учта тўққиз қаватли гураужой биноси бунёд этилмоқда. Бу объектада «Главлташкентстройини и 2-ўйсузлик комбинати» қарашли 60-қурилиш бошқармасининг Юрий Ли, Альфред Комад, 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг коммунист В. Душеватов, А. Гаязов бошлиқ бригадаларининг қурувчилари меҳнат қилмоқдалар. Қурувчилардан Родион Цой, Геннадий Литвинов, электр пайандозчилардан Тўракул Нуридинов, Виктор Дундуков, Фарход Шарифидиновлар жонбозлик кўрсатиб, кунлик нормаларини ошғи билан бажармоқдалар.

Бинолар 1987 йил биричи кварталда фойдаланишга топширилади. Сўнг яна битта 54 квартирали тўққиз қаватли гураужой биноси қурилади.

О. МАХМАЮСУПОВ.
Тўққимачилик комбинати енидаги Бошлик массивида қад кўтарган ҳар бири 108 квартирали тўққиз қаватли учта бино фойдаланишга топшириш арасида турибди. Уларни «Главлташкентстройга» қарашли 1 ва 4-ўйсузлик комбинатларининг қурувчилари тез ва соз бунёд этишди. Бунда Н. Шакарин, И. Андреев, А. Кан бошлиқ бригадаларининг хиссаси катта бўлди. Шунингдек, Ивановолик тўқувчилар кўчасида ҳам битта беш қаватли кооператив турер жой бевосита фойдаланишга топширилади.

Б. ОРИПОВ.

УЛУҒ ОКТЯБРГА

Депутатлар ҳақида ҳикоялар

Бахтиёрман

— Мен бахтиёрман! — Нега дersen? Бир вақтлар, янги революциядан илгари хотин-қизларимиз ичкири ҳовлидан ташқарга чиққиммаган. Аёллар бахти қора ҳисобланган. Фақат уй-рўзғор ишлари, бола тарбияси билан шугулланган, эркинлик хизматқора бўлшган. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, СССР Конституцияси ўзбек хотин-қизларига ҳам эрлар билан тенг ҳўқуқликни берди. Шу туйғайли ҳам аёлларимиз озодликка чиққиди. Бутун улар ўқувчи, студент, ишчи, колхозчи, шифокор, инженер, муаллим, олим, спортчи, қўнғиччи, ҳамма-ҳамма соҳада фидоқорона меҳнат қилишпти. Аёлларимиз фақат ишлаб чиқарганда эмас, балки, ҳўжаликни бошқариш, раҳбарлик органдарда ҳам фаолилик кўрсатяптилар. Биргина мен эмас, бутун совет хотин-қизлари революция берган, СССР Конституцияси белгиланган ҳўқуқлардан тўла баҳрамандадилар...



Биз яхши кунларимизда қувончларимиз, меҳру-муҳаббатимиз рамзи сифатида гулдастлар тутамиз. Ўтмиш хотин-қизларининг умр бўйи қўролмаган бахту-қувончи бизнинг лаҳзалик табассумимизга жо. Бу лаҳзалик қувончларга эришмоқ учун тарихларни, зулматларни енгиб ўтишга тўғри келди. Бу қулгулар фидоқорона курашининг ёруғ тинсоли, қўнғилларнинг юзларга балкиб чиққан қўшидир. Бу қўш нурлари ҳеч қачон хира тортамай. Чунки, бошимиздан улуғ қўш — Улуғ Октябрь социалистик революциянинг туйғайли ёруғлига чиққан буюк қўш нур сочиб турибди. Шу қўш нурларига муносиб бўлмоқ бизнинг бурчимиздир. Мангу бурчимиз.

Тошкент—жаҳонга Сурия учун

Сурия Араб Республикасининг «Маскана» массивида 4 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу ерда пахта, дон, сабзавот етиштирилмоқда, боғдорчилик ва чорвачилик ривожланмоқда. Келгусида яна 17 минг гектар ер ўзлаштирилиши керак. Кейинги йилларда 6 та давлат ҳўжалиги тузилди. Бу ҳўжаликларини сув билан таъминлашга доир пойхаларни таяйлади. 127 минг гектар Аллеп ерларига ҳам сув чиқарилади. «Ғарбий Маскана» массивида 57 минг гектар, Аллеп районида 70 минг гектар ер ўзлаштирилди. «Хантум» ва «Шабба» сув омборлари қосасига 630 миллион куб метр сув тўпланди.

Совет мутахассислари ке- Т. ШОЮСУПОВА.

УНУТИЛМАС ЙИЛЛАР

Эртага бутун мамлакатимизда шодона байрам. Совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 69 йиллигини нег нишонлайди. Бутун инсоният тарихида янги даври бошлаб берган, Улуғ Октябрь берган бахт билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Шу бахтли ва ёруғ кунларда ўтмишга яна бир назар ташлаш бугунги кунимизнинг аҳамиятини янада тўлароқ ҳис этишга шак-шубҳасиз ёрдам беради.

Мен революциядан олдинги ҳаётни ҳам кўрганман. 1914 йилда Тошкентда бор-йўғи еттига ўрта мактаб, тўртта етти йиллик ва 26-та бошланғич мактаб бординини айтишарди. У пайтларда ёш эдим. Тошкентда ўша даврда бор-йўғи 7,5 мингга яқин ўқувчи таълим олиши ҳақида ҳикоя қилиб беришарди. 86 та ўқувчига эга бўлган битта ўрта махсус ўқув юрти бўлган экан. Ахир ўша даврда бутун Тошкент бўйича 40 ярач бўлган эди-да. Улуғ рус халқининг бегараз ёрдами, қўллаб-қувватлаши натижасида Тошкент ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарлар сингари ўз қаддини аста-секин тиклаб олди. Ша-

ҳар ҳўжалигида туб ўзгаришлар юз берди. Айниқса шаҳарнинг янги қисми мустақил ўсиб борди. Биз, кексалар от тортганидан трамвай кейинчилик электр трамвайга айлантирилганлигини яхши биламиз. Бундай ўзгаришларни ҳар қандама кўриши мумкин эди. Буларнинг ҳаммасига биз Улуғ Октябрь шўҳафати туйғайли эришдик.

Революцияга таяёғарлик ва уни ўтказиш йиллари воқеалари ҳамон кўз ўнгимда. Тошкентда, Самарқандда ва ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида дастлабки социал-демократик тўғараклар ва гуруҳлар маҳаллий ишчилар ўртасида марксистик адабиятини — Карл Маркс, Фридрих Энгельс, Владимир Ильич Ленин асарларини кенг ёйган эди. Бу тўғарак ва гуруҳлар Петроград, Москва, Боку, Тбилиси, Россиядаги бошқа шаҳарларнинг социал-демократик ташкилотлари билан узвий алоқа боғланган эди. Тошкент социал-демократлари катта пропаганда ишларини олиб боришди. Варақалар тарқатилди. Маҳаллий миллат вакилларини революцион ҳаракатга қоралдилар. С. Қосимхўжаев, М. Мир-

ҳодиев, Ю. Мусамухамедов ва бошқа ўзбек ишчилари социал-демократлар билан узвий алоқада бўлишди.

Эндиликда буларнинг ҳаммаси тарих бўлиб қолди. КПСС XXVII съезди, партиянинг Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари бутун мамлакатимизни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, ишларни қайта қуриш режаларини белгилаб берди. Айниқса халқ фаровонлиги сифат жиҳатдан янги поғонага қўйилди. Ун иккинчи беш йилликда аҳоли даромадлари жон бошига 13 — 15 процент ошди. Биз, совет кишиларининг барча эътибжларини янада тўлароқ қондириш партия ва ҳўкуматиимизнинг бош мақсади-дир.

Халқ ер юзида инсон тўғрисида бунчалик катта гамхўрлик қўрсатган биронта ҳам мамлакат йўқлигини эътиборга олиш керак. Биз, коммунал-машиий хизматларни айтмайсизми. Биз, кексаларга кўрсатилётган

Н. РИЗАЕВ,
1918 йилдан КПСС аъзоси.



3. Октябр кўёши

Еруғ кунлар. Бу кунлар зулматлар қўйида тиричлаган асрлар, замонларнинг армони эди. Қоронгу ўтмишларнинг тушига кирмаган бу кунларнинг чехраларида бахт ва сурур ифодаси, юзларида бахтиёр замоннинг осойишта шуқуҳи. Шоира ҳақ: «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор». Чинмаст йиғилган замонлар, зулматларда чинирган қисматлар, оддий халқнинг оддий мушкулнинг осон қилини ҳам ўзинга эп қўрмаган у бағри тош давронлар асрлар қатарида қолиб кетган. Фарзандларимиз, невараларимиз юздаги оддий қувончнинг ёлғизгина сўз билан шарҳлаб бериш мумкин. Бу сўз Бахт сўзи. Ҳаёт сўзи, Сеги ва Саодат сўзи. Бу сўзларнинг моҳияти ҳам, нияти ҳам ёруғ Шунинг учун сиддиқил меҳнатимиздан кунларимиз ёруғ, дилларимиз равшан, нигоҳларимизда истиқбол зиялари порламоқда. Биз бир-биримиз билан кўришганда айтганимиз сўзимиз ҳам шу: «Тинчмисиз? Уйлар тинчми?» Чунки биламиз — одамзот учун энг муҳими Тинчлик, энг муҳими Бахтиёрлик. Биз бугунги кунимизни шахсий ҳасратлар эмас, қардошлар нияти, дўстлар орзуси, эллар-элатларнинг тилғи билан белгиларимиз. Шунинг учун тилакларимиз ҳам ёруғдир.

Т. Каримов фотолари.



Тошкент тарихини ўрганамиз УЛУҒ ХАЛҚ ЗИЁСИ

Ўзбек ва рус халқларининг ҳамкор-ҳамдамлиги, икки халқ ўртасидаги маданий-иқтисодий бирдамлик, дўстлик ўзининг қадимий тарихига эга. Қўйидаги икки ланча халқларининг ана шу бирдорлик тарихидан ҳикоя қилади.

Дили дилига пайванд

Янги Тошкент ва Эски шаҳар аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатда энг машҳур сўз «Махсум» бўлди. Одатда билимдон одамлар исмига қўшиб айтилувчи бу сўз руслар ўртасидаги «Максим» исмига ҳаммадан бўлгани учунми, теъд улар муомаласига сингиб кетди.

Эски шаҳар бозорига келган руслар дўкондорлар, майда баққоллар ва умуман бутун савдо аҳлини «максимка» деб атай бошлади. Ўз навабатида ўзбеклар ҳам уларни «Максим», «Махсум» деб атайверди.

Бу икки сўз — икки халқдаги машҳур исмлар икки эл ўртасидаги ўзаро яқинлашувда катта хизмат кўрсатди. Сунъий равишда иккига бўлинган шаҳар аҳли табиий равишда бир-бирига қўзга ташламас ишлар билан боғлана бошлади.

Худди шу жараён дастлаб халқ турмушидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топти.

